

Туркия дин ишлари вазири муфтий Усмонхон Алимовни муборакбод этди



12:02 / 20.08.2018 4483

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан

Жаноб Усмонхон Алимов,

Бизларни йўқдан бор қилган, Ислom дини билан азиз этган, раҳм-шафқат туйғуларимизни жунбушга келтирган, “қурбон” лафзи ўзида акс эттирган маъно ва ҳикмат ила бизни Ўзига яқинлаштирган, ўзимиз ва атрофимиздагиларга нисбатан масъулиятимизни яна бир бор ёдимизга солган Буюк Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, Унинг суюкли Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва саломлар бўлсин!

Бутун дунё мусулмонлари Ислондаги энг улуғ байрамлардан бўлмиш – Қурбон ҳайитининг келишига интизор бўлиб, ҳаяжон ичра турибмиз.

Шу муносабат билан аввало Сиз жаноби олийларини, Сиз орқали эса юртингизда истиқомат қилаётган барча мусулмон қардошларимни – динимиз бизга бахшида этган бу қардошлик билан фахрланамиз – 2018 йил 21 август сешанба куни кириб келадиган Қурбон ҳайити билан муборакбод этаман.

Ислон олами билан биргаликда бутун башариятга муҳаббат, тинчлик, осойишталик ва бахт, юртларимизга қувонч келтиришини Аллоҳ таолодан сўрайман.

Иймони, ибодати, тарихи ва маданияти бир бўлган Сиз билан биз ўз халқларимиз билан бирга қувончли кун остонасида турган эканмиз, Сизга ва халқингизга ўзимнинг салом ва эҳтиромларимни изҳор этаман.

Камоли эҳтиром ила,

Профессор, доктор Али Эрбош,

Туркия Республикаси Дин ишлари

вазири

Манба: Muslim.uz